

Қуръон ўқи!



16:40 / 16.08.2021 1891

Кишилар мақом ва юқори мартабани бойликдан, машина маркаблардан, ҳашаматли қаср, уйлардан, катта фойдалар келтирувчи бизнес ва тижоратлардан, гўзал, соҳибжамол аёллардан излашади. Яъни, кишига нуфуз, обрў ушбу нарсалар билан ҳосил бўлади деб гумон қилишади. Уни дунё матоларидан излашади.

Аслида, агар улар Аллоҳга қурбат, яқин бўлишнинг таъмини тотишса эди, албатта Аллоҳнинг инояти, раҳмати, ҳифзи, қўллови остида эканини ҳис қилишса эди, агар улар Қуръонни ўқиб унинг таъсирида Аллоҳга хушў ила юзланиб, эриб, таъсирланишса эди, агар улар намозни худди видолашувчининг намози каби адо этишганида эди, у ҳолда улар муножотларида Аллоҳ билан бирга бўлур эдилар. Демак, агар Аллоҳга сўзламоқчи бўлсанг, унга дуо қил. Агар Аллоҳ сенга сўзлашини истасанг,

Қуръонни ўқи!

Манба: *arabic.uz*